

ISSN-2091-508X



Ўзбекистан Республикасы Илимлер Академиясы
Қарақалпақстан бөлімінің

ХАБАРШЫСЫ

Ўзбекистан Республикаси Фанлар Академияси
Қорақалпоғистон бўлиминиң

АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

Қарақалпақского отделения
Академии наук Республики Узбекистан

Нөкис 2023 Нукус

1

Ўзбекистон Республикаси Илимлар Академияси

Қарақалпақстан бөлімінің

ХАБАРШЫСЫ

Журнал 1960-жылдан бастап шығып атыр

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

Қарақалпақстан бөлімінің

АХБОРОТНОМАСИ

Журнал 1960 йилдан нашр қилинмоқда

ВЕСТНИК

Қарақалпақского отделения

Академии наук Республики Узбекистан

Журнал издается с 1960 года

№ 1

(270)

23-май 2023-й
В

Учредитель и издатель: Каракалпакское отделение Академии наук Республики Узбекистан

Главный редактор академик **Н.К. АИМБЕТОВ**

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

НАРЫМБЕТОВ Б., кандидат физико-математических наук (заместитель главного редактора);
КАРАЖАНОВ С.Ж., доктор физико-математических наук, профессор (Норвегия);
КУДАЙБЕРГЕНОВ К.К., доктор физико-математических наук, профессор;
ТЛЕУМУРАТОВА Б.С., доктор физико-математических наук;
УТЕБАЕВ Д., доктор физико-математических наук;
РАФИКОВ В.А., доктор географических наук;
ЭРКАЕВ А.У., доктор технических наук, профессор;
АИМБЕТОВ И.К., доктор технических наук;
ШАМШЕТОВ С.Н., доктор технических наук, профессор;
ТУРЕМУРАТОВ Ш.Н., доктор химических наук, профессор;
ЗАКИРОВ Б.С., доктор химических наук, профессор;
ТОЖИБАЕВ К.Ш., доктор биологических наук, академик;
АБДУЛЛАЕВ И.И., доктор биологических наук, профессор;
МАМБЕТУЛЛАЕВА С.М., доктор биологических наук, профессор;
МАРКОВ М.В., доктор биологических наук, профессор (Россия);
КАБУЛОВ М.К., доктор медицинских наук, профессор;
ЗИЯДУЛЛАЕВ Н.С., доктор экономических наук, профессор (Россия);
ТРОСТЯНСКИЙ Д.В., доктор экономических наук;
ДЖУМАШЕВ А.М., доктор исторических наук, профессор;
БЕКНАЗАРОВ Р.А., доктор исторических наук (Казахстан);
КАРЛЫБАЕВ М., доктор исторических наук;
КУРБАНОВА З.И., доктор исторических наук;
НУРЖАНОВ С.У., доктор исторических наук;
ИСКАНДЕРОВА А., кандидат исторических наук;
НИЯЗИМБЕТОВ М.К., доктор философских наук;
АЛЬНИЯЗОВ А.И., доктор филологических наук, профессор;
БЕКБЕРГЕНОВА З.У., доктор филологических наук, профессор;
НАЖИМОВ П.А., доктор филологических наук;
ПАЛЫМБЕТОВ К.С., доктор филологических наук.

Адрес редакции: 230100, г. Нукус, проспект Бердаха, 41, тел.: (61) 222-98-94.

web-сайт <http://aknuk.uz/vestnik.html>

Зав. редакцией **К.Ж. Турекеев**.

Корректурa: **В. Султангулова, К. Турекеев, Г. Глеуниязова.**

Компьютерная верстка: **В. Султангулова.**

Сдано в набор 20.02.2023. Подписано к печати 20.04.23. Формат бумаги 60x84 ¹/₈. Печ. л. 11,6.
Тираж 100 экз. Заказ 1. Цена договорная. Каракалпакское отделение Академии наук Республики
Узбекистан. Регистрационный номер 01-040.

Отпечатано в отделе печати журнала «Вестник». Реестр №10-3560.

© Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан

Содержание

ЕСТЕСТВЕННЫЕ НАУКИ

Физика

- Нарымбетов Б.Ж., Кунназаров Б.Ж., Мадияров Д.Н., Султанов Ш.Т. – Определение спектральной зависимости квантовой фотоионизации захваченного электрона в твердом метилциклогексане 5
- Ерназаров У.К., Атаджанов Б.Х., Нарымбетов Б.Ж. – Особенности структуры многослойной гетероструктуры GaAs/ZnSe 11

Техника

- Ауезов О.П., Хожабаев Н.М., Ибрагимов Ж.И. – Сеялка для сева семян саксаула 15
- Аимбетов И.К., Изимбетов Е.Т., Искендеров Б.К., Сапарниязов Б., Бекмуратова П., Аимбетова З. – Оценка напряженно-деформированного состояния северной части плотины Междуреченского водохранилища 19
- Расулжонов А.Р., Утепбергенов Б.К., Кенгесбаев Р.Б. – Кенг қамровли мола-текислағичнинг турини танлаш бўйича ўтказилган таққослов синов ишларининг натижалари 23
- Сапаров А.Б., Джуманазарова А.Т., Сапаров Б.Б. – Проблемы в управлении водораспределением в магистральных каналах по результатам натурных исследований 27
- Алламбергенов А.Ж., Турсынбекова Э.П. – Биноларнинг энергия самарадорлигини оширишнинг асосий кўрсаткичлари ва ечимлари 33
- Абдурахманов А.А., Хаджиев А.А. – Лабораторная установка для исследования параметров сводоразрушитель-измельчителя органических удобрений 37
- Абдукадиров Ф.Б., Хасанова О.Т., Камалов Ж.К., Бекниязова Г.Ж. – Возможности снижения токсичности и дымообразующей способности продуктов горения деревянных строительных материалов 40

География

- Балтабаев О.О. – Қорақалпоғистон Республикасининг географик объект номларини топонимик мерос сифатида муҳофаза қилиш масалалари 45

Биоэкология и сельское хозяйство

- Асаматдинова А.И. – Особенности репродуктивных процессов у зайца-толая (*Lepus tolai*) в условиях Южного Приаралья 50
- Темирбеков Р.О., Мусаев А.К., Израилова И.О. – Технология выращивания африканского клариевого сома (*Clarias gariepinus*, Burchell 1822) в аквакультуре Каракалпакстана 53
- Гроховатский И.А., Отенова Ф.Т., Отенов Т., Оспанов А.Ж., Отенова З.Т. – Эффективность зеленых насаждений в формировании внешней среды в городах и населенных пунктах Каракалпакстана 56
- Мираметова Н.П., Мамбетуллаева С.М. – Экологическая оценка динамики качества окружающей среды и функциональные особенности организма детей в условиях Приаралья 63
- Жоллыбеков М.Б., Тлеумуратова Б.С., Уразымбетова Э.П. – Изменение химического состава почв при разработке газовых месторождений на юго-западе осушенного дна Аральского моря 68
- Тлеумуратова Б.С., Уразымбетова Э.П., Султашов Р.Г. – Статистический анализ предшествующих и последующих метеоусловий при солепылевых бурях на осушенном дне Аральского моря 72

Медицина

- Кабулов М.К. – Новое в изучении роста и развития раковых клеток 79

ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ

Экономика

- Сафаров Ф.А. – Методы оценки эффективности инноваций в сфере услуг 82

УДК: 911.3:30:911.372.2(575.172)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТ НОМЛАРИНИ ТОПОНИМИК МЕРОС СИФАТИДА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Балтабаев О.О.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Кириш. Географик номлар халқ тилининг улкан тарихий-маданий мероси сифатида муҳофазага муҳтож. Зеро улар табиат ва инсоният тарихи билан боғлиқ бўлган турли хил ахборотларни ўзида сақлайди. Бинобарин, уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асраш давлат аҳамиятига молик бўлган тадбирлар сирасига киради. Кўпинча географик номлар муҳофаза қилиниши керак деганда тарихий номлар тушунилади. Аслида муҳофаза қилиниши зарур бўлган номлар ҳақида гап кетганда ҳар бир жой номига алоҳида ёндашиш лозим бўлади [6].

Географик номлар ҳар доим ҳам бирон тарихий шароитда шаклланади ва узоқ вақт сақланиб қолиши боис тарихий тадқиқотлар учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳар бир номнинг ўз тарихи бор, унда муайян тарихий воқеа-ҳодисалар, шароитларнинг акси мужассам. Шундай экан, ҳар бир ном маълум бир тарихий воқеалар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Ишонч билан айтиш мумкинки, топонимияда аҳоли миграцияси, урушлар, этник алоқалар ўз аксини топган ва ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос топонимик қатламлари мавжуд [7]. Яъни, ҳар бир тарихий давр жой номларининг муайян қатламини ҳосил қилган бўлиб, ҳар бир тарихий қатламнинг жой номларида унинг ўзига хос «изи», «тамғаси» мавжуд [8].

Буюк тарихга эга бўлган юртимиз топонимияси ҳам ўзига хос миллий маданий меросимиз ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев «... Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир» [4], деб даъват этишлари ҳам халқимиз тарихига алоқадор бўлган географик номларни тарихий мероснинг бир қисми сифатида эътироф этишга тааллуқлидир.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган географик номларни, хусусан, аҳоли пунктлари номларини сақлаш ва асраб-авайлаш борасидаги илмий-амалий тақлифларни ишлаб чиқишдан иборат. «Топонимик мерос» тушунчасининг моҳияти, жой номларини топонимик мерос объекти

сифатида тан олишнинг мезонларини асослаш, топонимик мерос объектлари сифатида тавсия қилиниши мумкин бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ойконимларининг дастлабки реестрини тузиш вазифаларимиз сирасига киради.

Муҳокама ва натижалар. Ҳозирги кунда мамлакатимизда маданий мерос объектларига бўлган эътибор каттадир. Давлат томонидан ўтмишни сақлаш, тарихий хотирани асраб-авайлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган маданий ва номоддий мерос объектларини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Буни 2001 йил 30 август куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги 269-П-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5150-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Маданий мерос агентлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2021 йил 15 октябрдаги 649-сон Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2022 йил 18 февралдаги ПҚ-135-сон Қарорининг қабул қилинганлиги билан далиллаш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги 269-П-сон Қонунда куйидаги таърифлар келтирилган:

Маданий мерос объектлари – моддий ва номоддий маданий мерос объектлари;

Моддий маданий мерос объектлари – тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар;

Номоддий маданий мерос объектлари – тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати),

шунингдек улар ҳамда халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлар [2].

Кўриниб турибдики, жой номлари ушбу конунда маданий мерос объектлари қаторига киритилмаган. Лекин жой номлари ҳам асрлар давомида, авлоддан-авлодга ўтар экан, ўша жойнинг рамзи сифатида сақланиб, улар ўзида қимматли тарихий-маданий маълумотларни мужассам этади. Ҳамда жой номларига ўша жойнинг тарихий хотираси унсури сифатида қараш мумкин. Шу сабабли жой номларини ҳам **топонимик мерос** сифатида маданий (номоддий) мерос таркибига киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Қуйида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган «**топонимик мерос**» атамасининг таърифи келтирилган [5].

Топонимик мерос – муайян ҳудуддаги маҳаллий аҳоли томонидан тарихий ривожланиш жараёнида табиий равишда шакллантирилган, тегишли объектларга оид қимматли тарихий-маданий маълумотларни ўзида сақлаётган, уларнинг муҳим табиий, ижтимоий-иқтисодий, этномаданий хусусиятларини акс эттирадиган, узоқ вақт давомида сақланаётган ёки тарихий қадрияти ҳисобга олиниб қайта тикланган географик номлар.

Ҳудуднинг **топонимик мерос** объекти сифатида эътироф этилиши учун жой номи қуйидаги мезонлардан бирига мос келиши керак:

асрлар давомида ўзгармасдан сақланиб келаётган, қайта номлаш сиёсати олиб борилган даврларда ўзгармасдан қолган ёхуд маълум вақт ўтиб қайта тикланган бўлса;

тегишли ҳудуднинг таянч, рамзий топоними ҳисобланса;

ўзида маҳаллий аҳоли мансуб бўлган миллат, уруғ, қабила ва бошқа этник бирликлар номларини ўзида акс эттирса;

маҳаллий тарихда алоҳида из қолдирган ва аҳоли пунктларига асос солишда иштирок этган инсонларнинг номларини сақласа;

маҳаллий халқнинг ўтмишда шуғулланган касб-хунар номларини ўзида сақласа;

ўтмишда мавжуд бўлган маҳаллий орографик ёки гидрографик объектларнинг номларини ўзида сақласа;

номланган объектнинг географик ўрни ёки табиий шароитининг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттирса;

таркибида турли маҳаллий тарихий, хўжалик, географик, топонимик терминлар мавжуд бўлса;

афсонавий ёки диний мазмунга эга бўлса.

Мана шу мезонларга таянган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасидаги жами мавжуд аҳоли пункти номлари экспертизадан ўтказилиб, илк марта топонимик мерос объектлари сифатида тавсия этиш мумкин бўлган ойконимлар рўйхати шакллантирилди ва туманлар кесимида жами ойконимлардаги бундай номларнинг улушлари аниқланди (1-жадвал). Ушбу рўйхатнинг аксарият қисми табиий ва мантикий равишда, совет давридан олдин пайдо бўлган ойконимлардан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасидаги ойконимлар жами 1151 та бўлиб, шундан 658 таси, яъни 57,15% и топонимик мерос объектлари қаторига киритишга тавсия этилган. Бу ойконимларнинг улуши туманлар кесимида ҳар хил бўлиб, у рақам 70% дан

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасининг топонимик мерос объектлари қаторига киритишга тавсия этилган ойконимларнинг маъмурий-худудий бирликлар кесимида сони ва улуши

№	Ҳудудий бирлик	Жами ойконимлар сони	Жумладан, топонимик мерос сифатида тавсия этилаётган	
			Сони	Улуши
1	Нукус ш.	2	2	100 %
2	Амударё	129	76	58,9 %
3	Беруний	71	18	25,3 %
4	Бўзатов	26	19	73,1 %
5	Кегейли	132	110	83,3 %
6	Мўйнок	22	19	86,3 %
7	Нукус т.	40	32	80 %
8	Тахиатош	32	22	68,7 %
9	Тахтақўпир	40	29	72,5 %
10	Тўртқўл	92	21	22,8 %
11	Хўжайли	64	39	60,9 %
12	Чимбой	120	91	75,8 %
13	Шуманай	105	31	29,5 %
14	Элликкальа	92	32	34,8 %
15	Қанликўл	39	26	66,6 %
16	Қораўзак	97	71	73,2 %
17	Қўнғирот	48	20	41,6 %
Қорақалпоғистон Республикаси		1151	658	57,15 %

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Беруний туманидаги топонимик мерос объектлари тарихида тавсия этилаётган ойконимлар
хақида маълумот

№	Аҳоли пункти номи (ойконим)	Аҳоли пункти мақоми (шаҳар, шаҳарча, қишлоқ)	Топонимик мерос объекти сифатида тан олиншининг сабаби
1	Бўлиш	Шаҳарча	Аҳоли пунктига асос бўлган тарихий термин сақланган
2	Нурота кулончи	қишлоқ аҳоли пункти	Маҳаллий аҳоли мансуб бўлган уруғ номига аталган
3	Ботамбош	қишлоқ аҳоли пункти	Маҳаллий ўсимлик дунёси билан боғлиқ
4	Хирликалға	қишлоқ аҳоли пункти	Анъанавий хўжалик ва топонимик терминлар акс этилган
5	Найман	қишлоқ аҳоли пункти	Маҳаллий аҳоли мансуб бўлган уруғ номига аталган
6	Қангшартол	қишлоқ аҳоли пункти	Маҳаллий ўсимлик дунёси билан боғлиқ
7	Бийбозор	қишлоқ аҳоли пункти	Маҳаллий хўжалик иншооти номига аталган
8	Таллык	қишлоқ аҳоли пункти	Маҳаллий ўсимлик дунёси билан боғлиқ
9	Қоратоба	қишлоқ аҳоли пункти	Ёнидаги рельеф шакли номи билан аталган
10	Сарикўл	қишлоқ аҳоли пункти	Ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади
11	Кўшқинбай	қишлоқ аҳоли пункти	Аҳоли пунктига асос солган оила бошлиғи номига аталган
12	Нурманбай	қишлоқ аҳоли пункти	Аҳоли пунктига асос солган оила бошлиғи номига аталган
13	Кесиктов	қишлоқ аҳоли пункти	Ёнидаги рельеф шакли номи билан аталган
14	Борлитов	қишлоқ аҳоли пункти	Ёнидаги рельеф шакли номи билан аталган
15	Хожаовул	қишлоқ аҳоли пункти	Маҳаллий аҳоли мансуб бўлган уруғ номига аталган
16	Қизилқалға	қишлоқ аҳоли пункти	Маҳаллий хўжалик иншооти номига аталган
17	Илонли қалға	қишлоқ аҳоли пункти	Маҳаллий ҳайвонот олами билан боғлиқ
18	Саройкўл	қишлоқ аҳоли пункти	Ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

юқори бўлган туманлар қаторига Бўзатов, Кегейли, Мўйнок, Нукус, Тахтакўпир, Чимбой, Қораўзак туманлари киради. Таъкидлаш жоизки, Бўзатов, Мўйнок, Тахтакўпир туманларида сув объектлари номларидан пайдо бўлган ойконимлар, Кегейли, Нукус, Чимбой, Қораўзак туманларида эса аксарият ойконимлар маҳаллий аҳоли мансуб бўлган уруғлар номларига оид бўлиб, асосан, совет давридан олдин шаклланган. Янги ўзлаштирилган ерларнинг катта ҳудудларини эгаллаган Беруний, Тўрткўл, Эликқалға, Шуманай туманларида топонимик мерос объектлари қаторига киритишга тавсия этилган ойконимлар жами ойконимларнинг 40 % и дан камроқ қисмини ташкил этиб, бу ҳолат тегишли туманларда аксарият ойконимлар собиқ иттифоқ ва мустақиллик йилларида пайдо бўлганлиги ҳамда стандарт кўринишга эга эканлигини акс эттиради.

Қуйида келтирилган 2- ва 3-жадвалларида Беруний ва Бўзатов туманларидаги топонимик мерос объектлари сифатида тавсия этилаётган ойконимлар рўйхати келтирилган.

Беруний туманида ҳозирги кунда жами 71 та ойконим мавжуд бўлиб, шундан 18 таси, яъни 25,3% қисми, топонимик мерос объектлари тарихида тавсия этилмоқда. Туман ҳудудининг аҳоли истиқомат қиладиган асо-

сий қисми совет даврида ўзлаштирилиши ва тегишли ер массивларидаги ойконимия ўша давр анъаналарига мос равишда шаклланганлиги топонимик мерос сифатида тан олинишга лойиқ аҳоли пункти номларининг бирмунча кам эканлигини изоҳлайди. Шу билан бирга, Беруний туманининг эски ўзлаштирилган қисмида анча тарихий номлар сақланган. Тегишли рўйхатга киритилган жой номларидан 3 таси ёнидаги рельеф шакли номига, 3 таси маҳаллий аҳоли мансуб бўлган уруғ номига аталган, 3 таси маҳаллий ўсимлик дунёси билан боғлиқ бўлган, 2 таси ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади.

Бўзатов туманида жами 26 та ойконим мавжуд бўлиб, шундан 19 таси, яъни 73,1% и, топонимик мерос объектлари тарихида тавсия этилмоқда. Туман ҳудуди яқин ўтмишгача Орол денгизи билан бирлашган кичик ва катта кўлларнинг тизими, Амударё пайдо қилган арна-кўллар, ўзакларига бой ҳудуд эди. Ҳозирги кунга келиб, кўллар ва ўзакларнинг қуриши оқибатида фақат уларнинг номлари ойконимлар таркибида қолганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Туманда топонимик мерос объектлари тарихида тавсия этилаётган ойконимларнинг 11 тасини, яъни 57,9% ини, ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатувчи ойконимлар ташкил қилади ҳамда бошқа кўплаб туманлар

Бўзатов туманидаги топонимик мерос объеклари тарикасида тавсия этилаётган ойконимлар
хақида маълумот

№	Аҳоли пункт номи (ойконим)	Аҳоли пункти мақоми (шаҳар, шаҳарча, қишлоқ)	Топонимик мерос объекти сифатида тан олиншининг сабаби
1	Аспантай	қишлоқ аҳоли пункти	Ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади
2	Шылымкөл	қишлоқ аҳоли пункти	Ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади
3	Порлытаў	қишлоқ аҳоли пункти	Ёнидаги рельеф шакли номи билан аталган
4	Мойынкөл	қишлоқ аҳоли пункти	Ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади
5	Еркиндарья	қишлоқ аҳоли пункти	Аҳоли пункти номига асос бўлган гидрообъект номи
6	Даўыткөл	қишлоқ аҳоли пункти	Аҳоли пункти номига асос бўлган гидрообъект номи
7	Ақеден	қишлоқ аҳоли пункти	Ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади
8	Арпакөл	қишлоқ аҳоли пункти	Ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади
9	Көкшиел	қишлоқ аҳоли пункти	Ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади
10	Сарыоймаўыт	қишлоқ аҳоли пункти	Маҳаллий аҳоли мансуб бўлган уруғ номига аталган
11	Қараоймаўыт	қишлоқ аҳоли пункти	Маҳаллий аҳоли мансуб бўлган уруғ номига аталган
12	Добал	қишлоқ аҳоли пункти	Маҳаллий аҳоли мансуб бўлган уруғ номига аталган
13	Қусханатаў	қишлоқ аҳоли пункти	Ёнидаги рельеф шакли номи билан аталган
14	Сўёнарým	қишлоқ аҳоли пункти	Ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади
15	Уйғыркөл	қишлоқ аҳоли пункти	Ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади
16	Қопақкөл	қишлоқ аҳоли пункти	Ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади
17	Көксуў	қишлоқ аҳоли пункти	Ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади
18	Бөгетли	қишлоқ аҳоли пункти	Маҳаллий хўжалик иншооти номига аталган
19	Көкийрим	қишлоқ аҳоли пункти	Ўтмишда мавжуд бўлган гидрографик объектни англатади

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

сингари маҳаллий аҳоли мансуб бўлган уруғ номига аталган ойконимлар 3 тани ташкил қилган. Шунингдек, 2 тадан ёнидаги рельеф шакли номи билан аталган ва аҳоли пункти номига асос бўлган гидрообъект номи ҳисобланади. Бўзатов тумани ойконимларидан билишимиз мумкинки, табиий объект номлари билан аталган жой номлари кўпроқ ва узок вақтлар давомида яшайди.

Хулоса. Топонимик меросни муҳофаза қилиш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Авваламбор, 2011 йил 12 октябрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Географик объекتلарнинг номлари тўғрисида»ги ЎРҚ-303-сонли Қонуни ва 2013 йил 28 декабрь куни қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикасининг тегишли Қонунига «топонимик мерос» категориясини киритиб, унга юридик мазмун бағишлаш керак [1; 3]. Шунингдек, ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга топонимик мерос сифатида тан олинган жой номларини ўзгартирмаслик тўғрисидаги юридик нормани ҳам киритиш лозим. Шунга боғлиқ равишда қишлоқ

маъмурий туманлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар кесимида топонимик мерос объеклари реестрлари шакллантирилиши ва Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланиши, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тегишли ҳудудлардаги туман ва шаҳарларнинг топонимик мерос объектларининг жамланма рўйхатлари тасдиқланиши ҳамда Ўзбекистон миқёсидаги тегишли мазмундаги умумлаштирилган номлар реестри Олий Мажлис Қарори билан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.

Географик объект номларини қайта номлаш ва топонимия соҳасида сиёсат юритилишида топонимик мерос омилини ҳисобга олиш, тегишли реестрга киритилган номларни ўзгартирилишига йўл қўймаслик лозим.

Ўқувчи ёшлар орасида топонимик мерос бўйича тарғибот ишларини олиб бориш, тегишли мазмундаги ўқув-услубий қўлланмалар, илмий-оммабоп адабиётларни, топонимик маълумотномаларни тузиш ва чоп этиш, ўқув даргоҳларида маҳаллий

